YURIDIK VA AHOLI ISTE'MOLCHILAR SHARTNOMALARINI «RO'YHATGA OLISH»
№___20___y.«___»________ (imzo)
№___20___y.«___»________ (imzo)



## ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

05.01.2022 йил 01/01-0146-сон Гулистон шаҳар

Низом ва ишончнома асосида фаолият юритувчи “Ҳудудгаз Сирдарё”газ таъминоти филиали(бундан кейин“Таъминотчи” деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устав, Ишончнома) асосида фаолият юритувчи Сир.вил.Экологик ва отр.мух.мух.қил.бошқармаси
(Истеъмолчи номи)
(бундан кейин“Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари Р.У.Эргашев иккинчи тарафдан, қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

### I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1.** Таъминотчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

**1.2.** Таъминотчигазни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек,электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

**1.3.** Истеъмолчи Таъминотчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

**1.4.** 2022 йилда Истеъмолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича қўйидаги газ ҳажми етказиб берилади:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I чорак | 8000 | минг куб.м: | январь | 2000 | февраль | 3000 | март | 3000 |
| II чорак | – | минг куб.м: | апрель | – | май | – | июнь | – |
| III чорак | – | минг куб.м: | июль | – | август | – | сентябрь | – |
| IV чорак | – | минг куб.м: | октябрь | – | ноябрь | – | декабрь | – |

**1.5.** Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

**1.6.** Таъминотчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой